


**Ўзбекистон Республикаси**  
**Андижон вилояти**

**“МАЪҚУЛЛАНГАН”**  
**“Андижон биокимё заводи” АЖ**  
**Кузатув кенгашининг**  
**2018 йил 27 ноябрдаги 6-сонли**  
**мажлис қарори билан**  
  
**О.С.Мустафаев**

**Андижон биокимё заводи" акциядорлик**  
**жамиятининг 2019 йил учун иқтисодий**  
**ижтимоий ривожлантириш**  
**БИЗНЕС – РЕЖАСИ**

**АНДИЖОН -2018**

**"Андижон биокимё заводи" акциядорлик  
жамиятининг 2019 йил учун  
БИЗНЕС – РЕЖАСИ**

**I. Кириш қисми.**

**2019 йил учун бизнес-режа тузилишининг мақсади:** Бизнес-режа тузилишининг асосий мақсадларидан бири бу жамиятнинг келгуси йилда ижтимоий-иқтисодий ва молиявий жиҳатдан барқарор ўсиб боришини таъминлаш учун бажарилиши зарур бўлган ишларни режалаштиришдан иборат бўлади. Бизнес режани тузилишида асосий эътибор ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш, ишчи кучларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш эвазига меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилади. Бизнес-режани тузилишини яна бир муҳим жиҳати бу – корхона бошқарув аъзолари режадан келиб чиқиб, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, зарур қарорлар қабул қилишда катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари бизнес-режани қай даражада муқкамал тузилишига қараб ташқи инвесторларни ҳам ўзига жалб қилиш кўзда тутилади.

**II. Корхона тўғрисида маълумот.**

“Андижон биокимё заводи” АЖ 1953 йилда гидролиз заводи сифатида ташкил топган. Завод асосан фурфурол, озуқа хамиртуруши, фурфурол спирти ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарган. 1994 йилда завод қайта реконструкция қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан этил спирти ишлаб чиқарувчи биокимё заводига айлантирилган. Сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 ноябрдаги “2000-2001 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 511-сонли қарорига ҳамда Давлат мулк қўмитасининг 2000 йил 7 ноябрдаги 167-ПО сонли буйруғига асосан “Андижон биокимё заводи” очик акциядорлик жамиятига айлантирилган.

Жамият акциядорларининг 2014 йил 1-августдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорига асосан ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги янги қонунига мувофиқ акциядорлик жамиятига айлантирилиб, Андижон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил №8896 рақами билан рўйхатга олиниб, жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ва гувоҳномаси олинди.

“Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамиятининг устав фонди 24 274 524 минг сўмни ташкил этиб, жами акциялар сони 5 955 477 дона. Шундан, 3 038 222 донаси 51,02 % акция пакети “Ўзшаробсаноат” АЖда, 2 680 788 донаси 45,01 % акция пакети ташқи инвесторларга сотиш учун давлат активларини бошқариш марказида, 236 467 донаси 3,97 % акция пакети меҳнат жамоасининг улуши ҳисобланади.

### **Жамиятнинг асосий фаолият турлари куйидагилардан иборат:**

- озуқали этил спиртини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;
- корхона, ташкилот ва фуқароларга халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сотиш шунингдек ишлаб чиқариш-техник мақсадлар учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- янги технологияларни жорий этиш ва қайта ишлаш, НОУ-ХАУ, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, маркетинг ва инновация соҳаларида хизматлар кўрсатиш;
- Савдо дўконларини ташкил этиш, улгуржи ва чакана савдоларни амалга ошириш;
- биноларни, кўчмас ва кўчар мулкларни ижарага бериш;

ташки иктисодий фаолият, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ экспорт-импорт операциялари фаолияти билан шугулланиш;

- аҳолига транспорт, қомулал ва тиббий хизматлар кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида таъқиқланмаган бошқа фаолиятлар тулари билан шугулланиш.

Корхонанинг умумий ер майдони 56,52 гектар бўлиб, ундан 35,69 гектари узумзор ёрдамчи хўжалиги, 9,94 гектар ер майдони ишлаб чиқариш, 1,0 гектар ёпиқ ер майдонлари, 2,89 гектар темир йўл ва автотранспорт ер майдонлари ҳамда гимнастика мактабини 0,08557 гектар ер майдони мавжуд.

**Жамиятда ёнғин хавфсизлиги ва қўриқлаш хизмати чоралари:** Жамиятнинг 2010 йил 15 ноябрдаги 274-сонли буйруғи билан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида техник-ёнғин комиссияси штаби ташкил этилиб, бу гуруҳга корхонанинг масъул мансабдор ходимлари бириктирилган бўлиб, улар томонидан барча бинолар, омборлар, цехлар ва участкаларда ёнғин олдини олиш бўйича доимий текширувлар олиб борилади.

Жамиятда ёнғинни олдини олиш мақсадида вилоят ИИБ ЁХБ томонидан бириктирилган 5-ХЁХҚ 24 киши хизмат кўрсатади. Барча ёнғин ва портлаш хавфи кучли бўлган цехларда ва тайёр маҳсулот омборлари ёнғиндан хабар берувчи сигнализация ва датчиклар билан жиҳозланган. Барча объектлар ёнғинга қарши кранлар, шитлар ва ёнғин ўчирувчи мосламалар (огнетушитель) билан таъминланган. Ёнғинни олдини олишда битта ер ости сув гидрати, олтита ташки осма гидрат, 3000 м<sup>3</sup> ли ер устки сув хавзаси, 1400 м<sup>3</sup> ли ер остки сув хавзаси, 27 та бирламчи ёнғинни ўчириш жавони ва 2 та зил автомобил транспорти мавжуд.

Жамиятнинг хавфсизлиги ва назоратини таъминлашда вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш Бошқармасининг алоҳида милиция батальони 3-отряд 3-взводнинг 30 нафар ходимлари доимий равишда фаолият кўрсатишади. Назоратни амалга оширишда жамиятнинг зарур объектларида 3 та маҳсус постлар ташкил қилиниб, буларнинг фаолияти асосан жамиятга кириш-чиқиш назорати, майда ташимачилик ва мулк талон-тарожини олдини олишга қаратилган.

**Жамиятда фуқаро муҳофазаси ҳамда алоҳида даврларда табиий ва техноген тусдаги фавқулотда ҳолатлардан муҳофаза қилиш чоралари:**

2017 йил 25 июл куни жамият ҳудудида ўтказилган махсус тактик ўқув машғулоти натижаларидан келиб чиқиб, 2018 йилга бажарилиши лозим бўлган қуйидаги асосий вазифалари белгилаб олинди:

- фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг шахсий таркиби ва раҳбарларининг, табиий офатларда авария ва ҳалокатларда, террористик ва купорувчилик хуружларида жамият ҳудудини ишчи ва хизматчиларни ҳамда аҳолини муҳофаза қилишдаги маҳоратини янада ошириш;

- табиий ва техноген тусдаги фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида профилактик тадбирларини амалга ошириш ва содир бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этиш;

- фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларини содир бўлиши мумкин бўлган фавқулотда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда шай ҳолатда туришини таъминлаш;

- фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг шахсий таркиби ва таҳбар ходимларини 2018 йил дастури асосида ўқитиш, билимларини ошириш;

- фуқаро муҳофазаси тузилмаларига жалб қилинмаган ишчи хизматчиларни 15 соатлик дастур асосида ўқитиш ва билимларини ошириш;

- фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибига киритилган ишчи-хизматчилар билан ҳар чоракда бир марта ўқув машғулотлари ўтказиш ва фавқулотда вазиятларда авария ва ҳалокатларда ҳаракат қилиш бўйича билимларини ошириш;

- фуқаро муҳофазаси ўқув моддий базасини такомиллаштириш ҳамда ўқув йили давомида зарур ўқув қуроллари, адабиётлар қўлланмалар билан таъминлаш;

- вилоят фавқулотда вазиятлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда маърузалар ва даврий суҳбатлар ўтказиш.

Жамиятда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини олдини олиш бўйича ҳар йили чора тадбирлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, 2018 йил учун ҳам мазкур иш режалари ва чора тадбирлар ишлаб чиқилиб тасдиқланган.

### **Жамиятда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бўйича маълумот:**

Жамиятнинг асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулоти озукали ректификатланган этил спирти ҳисобланади. Этил спиртини ишлаб чиқариш узлуксиз равишда 24 соат мобайнида икки сменада ишлайди. О'zDST 3115:2016 асосан бу маҳсулотнинг уч хил нави ишлаб чиқарилади, булар:

- ректификатланган “Люкс” навли этил спирти;
- ректификатланган “Экстра” навли этил спирти;
- ректификатланган “Олий тозаланган” навли этил спирти;

Асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида, яъни хом спиртдан ректификатланган этил спиртини олишда иккиламчи маҳсулотлар Эфир альдегид фракцияси, сивуш ёғи, углекислота гази ва барда (атала) маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Этил спирти маҳсулоти асосан алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳамда медицина ва бошқа маҳсулотлар учун ишлаб чиқарилади.

Иккиламчи маҳсулотлар эса халқ хўжалиги соҳасида фойланилиб, ЭАФ-техник спирт маҳсулоти, этилацетат ва бошқалар, сивуш ёғи-фармацевтика лак бўёк ва саноатни бошқа тармоқларида фойдаланилади, углекислота гази - техник мақсадларда фойдаланилади, барда (атала) эса хайвонлар учун озука ем сифатида ишлатилади.

Булардан ташқари корхонада халқ истеъмоли учун 70 % ли тиббиёт спирти маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

### **Корхона манзили ва реквизитлари.**

*Корхонанинг тўлиқ номи:* "Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти..

*Корхонани рўйхатдан ўтган вақти, рўйхат рақами:* Андижон шаҳар хокимлигининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2014 йилнинг 6 августидан 8896 рақам билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

*Корхона юқори органи:* “Ўзшаробсаноат” АЖ

*Фаолият тури:* Озука этил спирти ишлаб чиқариш.

*Мулкчилик шакли:* Акциядорлик жамияти.

*Манзили:* 170119, Андижон ш. Бобур шох кўчаси 12, тел./факс 298-10-01

**Банк реквизитлари:**

*Хизмат кўрсатувчи банк:* «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Андижон минтақавий филиали. *Банк реквизитлари:* Х/Р 20210000700285724001 МФО 00075 СКБ Андижон ш.. ИНН 200240495.

*Иккиламчи ҳисоб рақами:* “Траст банк” Андижон бўлими *Банк реквизитлари:* Х/Р 20210000300285724010 МФО 01074

*Иккиламчи ҳисоб рақами:* АТБ “Хамкорбанк” Андижон бўлими *Банк реквизитлари:* Х/Р 20210000300285724008 МФО 00083

*Солиқ инспекциясининг манзили:* Андижон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси, А.Навоий кўчаси 14, х/р 20203000000503825001 ИНН 200238149 МФО 00059 «Уйжойжамгармабанк» Андижон ш.

### III. Бошқарув структураси.

#### Жамият кузатув кенгаши аъзолари тўғрисида маълумот:

1. **Мустафаев Отабек Садиқович** - “Ўзшаробсаноат” АЖ бошқарув раиси, кузатув кенгаши раиси.

2. **Акрамов Аббос Ашрапович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат қўмитаси бош мутахассиси, кузатув кенгаши аъзоси.

3. **Набиев Тўлқин Набиевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат қўмитасининг бошқарма бошлиғи, кузатув кенгаши аъзоси.

4. **Гаффаров Акмал Қаҳорович** - «Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Спирт ва бошқа алкоголь саноатини мониторинги бўлими бошлиғи, кузатув кенгаши аъзоси.

5. **Абидов Толиб Алимович** - «Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Саноат корхоналарини фаолиятини ривожлантириш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, кузатув кенгаши аъзоси.

6. **Жўраев Нодир Савриддинович** - Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирининг биринчи ўринбосари, кузатув кенгаши аъзоси.

7. **Алихонов Баходир Давронович** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм Ахборот-таҳлил департаменти мудирининг биринчи ўринбосари, кузатув кенгаши аъзоси.

#### Бошқарувнинг ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот:

1. **Юлдашев Хамидулло Туражоирович** - ишлаб чиқариш бўйича директор, ижроия органи раҳбари.

2. **Қодиров Мухитдин Ғуломович** – иқтисодиёт ва режалаштириш бўйича директор, ижроия органи аъзоси.

3. **Рузметов Темур Баходирович** – маркетинг ва сотиб олиш бўйича директор, ижроия органи аъзоси.

4. **Захидов Дилмурод Махмудович** – тартиб ва ходимлар бўйича директор, ижроия органи аъзоси.

5. **Мамасолиев Муҳаммаджон Шавкатович** - бош ҳисобчи, ижроия органи аъзоси.

6. **Тошбоев Анвар Аҳмедович** - бош технолог, ижроия органи аъзоси.

Ижроия органи аъзоларининг жадвалда (жадвал илова қилинади) келтирилган структура бўйича хизмат соҳалари тақсимооти ва назорати кўрсатиб берилган.

“Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамияти 2019 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда 4 қисмдан иборат Бизнес-режа ишлаб чиқилган бўлиб, унинг биринчи қисми “инвестицион режа”, иккинчи қисми “маркетинг режаси”, учинчи қисми “ишлаб чиқариш режаси” ҳамда тўртинчи қисми “молиявий режа” деб аталади.

## 1-қисм. ИНВЕСТИЦИОН РЕЖА

“Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамиятининг 2019 йил учун мўлжалланган бизнес режаси унинг 2018 йилдаги асосий техник иқтисодий кўрсаткичларидан келиб чиқади. 2019 йил учун белгиланган асосий вазифа - мавжуд ресурслардан юқори даражада самарали фойдаланиш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобланади. Бунинг учун корхонада асосий фондларнинг капитал қурилиш ишлари режалари ишлаб чиқилган бўлиб, режага кўра, 2019 йилда корхонада капитал қўйилмалар қўйидаги лойиҳалар бўйича бажарилади:

- Жамият дон тайёрлаш участкасини реконструкция қилиш;
- цехдаги мавжуд донни тозалаш сепараторларининг 2 донасини янгилаш ва 1 дона дон суриш шнегини янгилаш;
- мавжуд магнит сепараторларининг 3 донасини янгилаш;
- мавжуд 2 дона дон майдалаш машинаси, 9 дона конвейер, 1 дона транспортер, 8 дона норияларни янгисига алмаштириш;
- Спирт ишлаб чиқариш цехларининг ачитиш ва дрожжа тайёрлаш бўлимларидаги хароратни назорат қилувчи ускуна ва жихозларини замонавийларига алмаштириш;
- Иссиқлик энергия манбаи цехидаги босимни меъёрлаштирувчи янги замонавий ускуна ва жихозларини ўрнатиш;
- Иссиқлик энергия манбаи цехига питательний насос сотиб олиш;
- Дори-дармон воситалари и/ч цехини реконструкция қилиш;
- Асосий фаолиятдаги воситалар (жихозлар)ни алмаштириш;
- Завод худудида жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- “Узумзор” ёрдамчи хўжалигида жорий таъмирлаш;

Режага кўра “Андижон биокимё заводи” АЖ жами 17456 млн сўм миқдоридаги маблағни инвестицион лойиҳаларга сарфлайди. Ушбу сумманинг лойиҳалар бўйича тақсимоти қўйидагича:

- Дон тайёрлаш участкасини реконструкция қилишга жами 12 млрд 830 млн.сўм харажат қилинади.
- Спирт ишлаб чиқариш цехларининг ачитиш ва дрожжа тайёрлаш бўлимларидаги хароратни назорат қилувчи ускуна ва жихозларини замонавийларига алмаштиришга 190 млн сўм режалаштирилган.
- Иссиқлик энергия манбаи цехидаги босимни меъёрлаштирувчи янги замонавий ускуна ва жихозларини ўрнатишга 160 млн сўм режалаштирилган.
- Пахтаобод туманидаги болалар оромгоҳини барпо этиш ишларига 3 млрд 100 млн сўм режалаштирилган.
- Завод худудида жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш ишларига 320 млн сўм режалаштирилган.
- “Узумзор” ёрдамчи хўжалигида жорий таъмирлаш ишларига 180,0 млн.сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

- “Қозонхона” участкасини таъмирлашга 225 млн. сўм режалаштирилган.

- ДЕ 16/14 котёл сотиб олишга 676 млн. сўм режалаштирилган.

Қуйидаги жадвалда жамиятнинг капитал таъмирлаш бўлими томонидан амалга ошириладиган йирик қурилиш таъмирлаш ишлари кўрсатилган.

**1-жадвал. “Андижон биокимё заводи” АЖ да 2019 йилга мўлжалланган капитал қўйилмалар жадвали**

Млн.сўм

№	Объектлар номи	2019 йил	шу жумладан:			
			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1	Дон тайёрлов участкасини реконструкция қилиш	12830	1300	4230	3650	3650
2	Болалар оромгоҳини таъмирлаш	3100	700	1000	1100	300
3	Завод худудида жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш	320	45	60	160	55
4	“Узумзор” ёрдамчи хўжалигида жорий таъмирлаш ишларини бажариш	180	20	30	80	50
5	Спирт ишлаб чиқариш цехининг хароратни назорат қилувчи ускуна ва жихозларини замонавийларига алмаштириш	190	0	0	140	50
6	Иссиқлик энергия манбаи цехидаги босимни меъёрлаштирувчи янги замонавий ускуна ва жихозларини ўрнатиш	160	0	0	20	140
7	ДЕ 16-14 котёл сотиб олиш ва ўрнатиш	676	676	0	0	0
<b>Жами:</b>		<b>17456</b>	<b>2741</b>	<b>5320</b>	<b>5150</b>	<b>4245</b>



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган дастурларни амалга оширилиши, уларни бажарилиши корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ортиши кўзда тутилган ҳолда 2019 йил учун умумхўжалик фаолияти кўрсаткичларининг қуйидаги прогнози ишлаб чиқилган. (2-жадвал). Жадвал маълумотларига биноан, 2019 йилда улгуржа нархларда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 107 793 644 минг сўмга тенг, этил спиртини ишлаб чиқариш ҳажми 1550 минг далга, ишлаб чиқариш қувватлари 1830 минг дални ташкил этади. Қувватлардан фойдаланиш даражаси 84,4 % ни ташкил этмоқда. Корхонада меҳнат унумдорлиги 2019 йилда 101,7 фоизга ошади.

**2-жадвал. “Андижон биокимё заводи” АЖнинг 2019 йилга мўлжалланган асосий техник - иқтисодий режа кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 йил кутилгани	2019 йил режада
1	ҚҚС ва акциз солиғисиз корхонанинг амалдаги нархларида маҳсулот ҳажми	минг сўм	107793644	111936582
2	Халқ истеъмол моллари	минг сўм	1 318 948	1 324 800
3	Маҳсулотни натура кўринишидаги ҳажми:			
А	Этил спирти	минг дал	1 545	1 550
Б	ЭАФ	Дал	46 350	46 500
В	Сивуш мойи	Дал	6 180	6304
Г	Тиббиёт спирти (70%)	м.фл	1 904	1920
Д	Углекислота гази	тн	618	620
Е	Барда (Атала)	т.м <sup>3</sup>	162,2	162,8
4	Этил спиртини и/ч қуввати	Минг дал	1 830	1830
5	Қувватдан фойдаланиш	фоиз	84,4	84,7
6	Рўйхатдаги ишчилар сони – жами	киши	550	560
7	Ўртача ишчилар сони – жами	киши	535	535
8	Маъмурият ва бошқарув ходимлари	киши	16	16
9	Иш ҳақи фонди (ўриндошларни қўшиб ҳисоблаганда)	минг сўм	15 809 747	15 590 496
10	Меҳнат унумдорлиги	минг сўм	201 483	209 227
11	Бир ишчига тўғри келадиган ўртача ойлик иш ҳақи	минг сўм	2 463	2 428

## 2-қисм. МАРКЕТИНГ РЕЖАСИ

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини сақлаш мақсадида ҳозирги бозор иқтисодиётини талабларини изчил ўрганиб келмоқда.

Маҳсулот сотиш «Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти нарядлари асосида амалга оширилади.

Бугунги кунда корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар куйидагилардан иборат: буғдой донидан ректификатланган озука этил спирти, углекислий газ, барда, сивуш ёғи, ЭАФ ва дори-дармон воситалари (70% тиббиёт спирти). Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти ректификатланган этил спирти ҳисобланади.

2019 йилда 1550 минг дал ректификатланган этил спирти ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхона ишлаб чиқараётган этил спиртини тўлалигича ички бозорда сотилади. Ўзбекистон Республикасида ушбу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхоналар сони нисбатан озлиги, яъни тўртта эканлиги ҳамда ички бозор импорт маҳсулотлар рақобатидан кучли ҳимоя қилинганлиги сабабли озуқали этил спиртини сотишда жиддий муаммо йўқ. Корхона маҳсулотига талаб мамлакатимизнинг барча вилоятларида мавжуд. Ундан ташқари, Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини йилдан йилга барқарор суръатларда ривожланиб бораётгани, аҳоли сонини ва даромад даражасини ортиши натижасида истеъмол кучаймоқда. Бу эса корхонанинг маҳсулотига бўлган талабни ҳам ўсишига олиб келмоқда ва талабни барқарор ҳолатда ушлаб турибди.

Маркетинг нуқтаи - назаридан корхона учун харидорлар сони оз бўлган тақдирда уларни ҳоҳиш - истакларини эътиборга олган ҳолда талабни кондириш осон бўлади. Бироқ, харидорлар сони ортиб борган сари бозорни ўрганиш ва сотув ҳажмининг ўсиб бораётган миқёсини сақлаб туриш учун бозор конъюктурасини ўрганиш лозим бўлади. Бу ҳолат бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган озиқ - овқат спиртини ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам хосдир. Шу фикрдан келиб чиққан ҳолда "Андижон биокимё заводи" АЖ келажакда ишлаб чиқариш фаолиятини бозор талабларига мослаштириш ва бутун республика миқёсида фаолият кўрсатиш мақсадида куйидаги йўналишлар бўйича бозор конъюктурасини ўрганишини режалаштириган:

- озиқ-овқат маҳсулотлари бозоридаги истеъмол тенденциясини ўрганиш асосида янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, амалдаги турларини эса сифатини янада ошириш;

- ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги рақобат муҳитини вужудга келиши ва унинг кучайиб боришини эътиборга олиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга оид омилларни таҳлил қилиш ва рақобат стратегиясини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикасида озиқ - овқат маҳсулотлари бозори йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Бунда асосий тенденция сифатида бозорни маҳаллий товарларни ишлаб чиқариш ҳажмини кескин кўпайтириш эвазига барқарорланув

юз берганини кўрсатиш мумкин. Бу мамлакат ҳукумати томонидан озик - овқат мустақиллигини таъминлаш сиёсатини натижаси ҳисобланади.

Республика миқёсида 4 та ректифитланган этил спиртини ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Булар, “Қўқон спирт” АЖ, “Андижон биокимё заводи” АЖ, “Янгийўл биокимё” АЖ ва “Бектемир спирт” АЖ ҳисобланади. Этил спиртини асосий истеъмолчиси бўлган спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўсиш суръатларини ўрганиб чиқсак, охириги йилларда ўтказилган истеъмол таҳлилига оид тадқиқотлар натижасига кўра, уй хўжаликларида спиртли ичимликлардан вино ичимлигига талаб барқарор ҳолатда сақланиб қолмоқда. Ароқ маҳсулотига бўлган талаб эса тўй мавсумига ва бошқа турдаги маросимларга кўпроқ боғлиқ бўлаётган бўлса, пиво ичимлигига талаб ёз ва куз мавсумига кўпроқ тўғри келмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати йилдан - йилга яхшиланиб бормоқда. Бироқ, айрим хорижий давлатларнинг маҳсулотлари билан солиштирганда сифат масаласида ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Асосий муаммо - ароқ ва пиво ишлаб чиқаришда ишлатиладиган спирт маҳсулотларининг сифатини ошириш ва уни жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳисобланади.

Жамият ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг асосий истеъмолчилари: «Ўзвиносаноат-Холдинг» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва фермер хўжаликлари ҳисобланади. Андижон вилоятида жойлашган спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг охириги йилларда рақобат туфайли қийин аҳволга тушиб қолганлиги сабабли “Андижон биокимё заводи” АЖ маҳсулотига бўлган талабни асосан бошқа вилоятларда жойлашган корхоналар хариди ташкил этмоқда. Ички бозордаги ишлаб чиқаришни тўртта монопол корхона ихтиёрида жамлангани ва ташқи рақобатдан ҳимоя қилинганлиги туфайли бугунги кунда сотув борасида жиддий муаммо йўқ. Лекин, бозорга янги ишлаб чиқарувчиларни кириб келиш хавфи мавжуд ва бунга корхона ҳозирдан тайёргарлик кўриб бориши лозим. Ушбу ҳолатни эътиборга олган ҳолда “Андижон биокимё заводи” АЖ маҳсулотларни рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида, жамият томонидан ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот сифатини яхшилаш, технологик жараёни модернизациялаш ҳамда фавқулодда кутилмаган бошқа харажатларни камайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқишга эътибор қаратади.

### 3-қисм. И Ш Л А Б Ч И Қ А Р И Ш Р Е Ж А С И

2019 йилда “Андижон биокимё заводи” АЖ асосий фаолият бўйича олти хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштирган. Маҳсулотларнинг асосий қисмини озиқ - овқат саноатида ишлатиладиган озуқали этил спирти ва бугдойни қайта ишлашдан олинадиган иккиламчи хом-ашё маҳсулотлар ташкил этади. Қуйидаги 3-жадвалда корхонада ишлаб чиқарадиган маҳсулот турлари ва уларнинг ҳажмлари келтирилган. Жадвал маълумотларига кўра, жамият 2019 йилда жами 1550 минг дал озуқали этил спирти ишлаб чиқаришни режалаштирган. Корхонанинг иккиламчи хом ашёдан оладиган маҳсулотларидан ЭАФ, сивуш ёғи ва атала (барда) ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгариш унчалик катта бўлмайди. Ишлаб чиқариш ҳажми эса корхонанинг асосий маҳсулоти бўлган ректификатланган этил спиртини ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришига мос равишда ўзгаради.

#### 3-жадвал. Маҳсулот номи ва ишлаб чиқариш ҳажми

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқариш ҳажми				
		2019-йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
Спирт жами	м.дал	1550	384	404	338	424
Шундан:						
Спирт Люкс	м.дал	1396	339,0	359,0	293,0	379,0
Спирт Экстра	м.дал	120	30,0	30,0	30,0	30,0
Спирт О/Т	м.дал	60	15,0	15,0	15,0	15,0
ЭАФ	Дал	46500	11520,0	12120,0	10140,0	12720,0
Сивуш ёғи	Дал	6200	1536,0	1616,0	1352,0	1696,0
Барда	м.м <sup>3</sup>	162,75	40,320	42,420	35,490	44,520
Углекислота гази	Тонна	620	153,60	161,60	135,20	169,60
Тиббиёт спирти 70 % ли 50 мл	м.фл	1920,0	480,0	480,0	480,0	480,0

Қиймат нуқтаи – назаридан ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги 4-жадвалда акс этган.

**4-жадвал. Ишлаб чиқариш ҳажмини қиймат шаклидаги кўриниши**

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Саноат маҳсулотларининг амалдаги нархлар бўйича қиймати (минг сўмда)				
		2019 й	Шу жумладан чораклар бўйича			
			1	2	3	4
Спирт Люкс	Минг сўм	93 002 003	23012904	24370598	19890209	25728291
Спирт Экстра	Минг сўм	8 096 624	2024156	2024156	2024156	2024156
Спирт О/Т	Минг сўм	4 024 915	1006229	1006229	1006229	1006229
ЭАФ	Минг сўм	1 488 000	368640	387840	324480	407040
Сивуш ёғи	Минг сўм	60 140	14899	15675	13114	16451
Барда	Минг сўм	3 580 500	887040	933240	780780	979440
Углекислота	Минг сўм	359 600	89088	93728	78416	98368
Тиббиёт спирти (70%)	Минг сўм	1 324 800	331200	331200	331200	331200
Жами:		<b>111 936 582</b>	<b>27734156</b>	<b>29162666</b>	<b>24448585</b>	<b>30591175</b>

Маҳсулот турлари бўйича кўрадиган бўлсак, ишлаб чиқариш ҳажми қиймат бўйича турлича ўзгаради. Ишлаб чиқариш қийматидаги ўзгаришлар корхона ишлаб чиқарадиган товар номенклатурасида яқин йилларда ўзгаришлар юз беришини англатади. Яъни, бозор талабини эътиборга олган ҳолда корхонага кўп даромад келтирадиган ва харидор талаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кўпроқ урғу берилади. Корхонадаги ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгариши ишчи ва хизматчилар сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фондида ҳам ўзгаришларга олиб келади. Бу ўзгаришлар қуйидаги 5-жадвалда ўз аксини топган.

**5-жадвал. Корхонадаги ишчи - ходимлар ва иш ҳақи фондидаги ўзгаришлар**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 йил кутлиши	2019 йил режада
Жами ишчи ва хизматчилар сони	Нафар	550	560
Асосий фаолият тури бўйича	Нафар	527	535
Ш.ж: ишчилар	Нафар	362	365
Ш.ж: хизматчилар	Нафар	147	153
Маъмурий бошқарув ходимлари	Нафар	16	16
Иш ҳақи фонди (ўриндошлар ҳисобга олинган)	Минг сўм	15 809 747	15 590 496
Меҳнат унумдорлиги	минг сўм	201 483	209 227
Ўртача бир ойлик иш ҳақи	минг сўм	2 463	2 428

Жамиятда йиллик ўртача ойлик иш ҳақи 8,7 %га, яъни ҳар бир ишчига ходимга ўртача иш ҳақи ўтган йилга нисбатан 151 минг сўмга ошади. Бу корхонада ишлаб чиқариш ҳажми меҳнат унумдорлигини ортиши эвазига юз беришини билдиради ва ўртача бир ойлик иш ҳақини ўсиши эвазига ишчиларда меҳнат мотивациясини янада рағбатлантиради.

Шунингдек, ишчи-ходимларни иш жараёнидаги меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар (чора-тадбирлар бўйича жадвал маълумот илова қилинади) режаси ишлаб чиқилган бўлиб, жами 150,0 млн. сўмлик маблағ сарфланиши режалаштирилган.

2019 йилга мўлжалланган ишлаб чиқариш режасида харажатларга алоҳида эътибор берилган. Ушбу муаммонинг корхона учун 2018 йил ва кейинги йилларда жиддий аҳамиятга эга бўлиши ва долзарблигини эътиборга олиб, ишлаб чиқариш харажатлар таркиби бўйича алоҳида кўриб чиқамиз (6-жадвал). Қуйидаги жадвалда 2019 йил учун корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти боғлиқ харажатлар таркиби келтирилган.

**6-жадвал. “Андижон биокимё заводи” АЖнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ харажатлари таркиби**

Харажатлар таркиби	Ўлчов бир-ги	2019 йил	Чораклар бўйича			
			1	2	3	4
1.Маҳсулот таннархига киритилган харажатлар	м.сўм	86412180	21409561	22515184	18866629	23620807
1.1 Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар (и/ч.га тўғри борадиган материал ва хом- ашё ҳамда энергия ресурс харажатлари)	м.сўм	70737186	18703881	19519549	13175466	19338290
1.2 Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	м.сўм	7558782	1996697	2082299	1416510	2063276
1.3 Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар	м.сўм	1889695	499174	520575	354127	515819
1.4 Эгри материаллар харажати	м.сўм	837318	221290	230858	156438	228732
1.5 Асосий воситалар ва и/ч аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси	м.сўм	5019760	1327614	1385754	933558	1372834
1.6 Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар	м.сўм	2259135	597388	623472	420600	617675

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, 2019 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи 86 412,2 млн. сўмни ташкил қилди. Шундан 70 737,2 млн. сўми материал харажатлар ташкил этади. (таннархни 81,8%) бунинг сабаби, ишлаб чиқаришнинг асосий хом ашёси бўлган буғдойни ва энергия ҳамда ёқилғи ресурслари нарҳини ҳар йили ошиб бориши ҳисобланади.

Харажатларнинг 7558,8 млн. сўми эса меҳнат харажатларига (таннархнинг 8,7%) тегишли. Эгри материаллар харажати – 837,2 млн. сўм (0,96 %), асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга номоддий активлар амортизацияси –

Шунингдек, ишчи-ходимларни иш жараёнидаги меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар (чора-тадбирлар бўйича жадвал маълумот илова қилинади) режаси ишлаб чиқилган бўлиб, жами 150,0 млн. сўмлик маблағ сарфланиши режалаштирилган.

2019 йилга мўлжалланган ишлаб чиқариш режасида харажатларга алоҳида эътибор берилган. Ушбу муаммонинг корхона учун 2018 йил ва кейинги йилларда жиддий аҳамиятга эга бўлиши ва долзарблигини эътиборга олиб, ишлаб чиқариш харажатлар таркиби бўйича алоҳида кўриб чиқамиз (6-жадвал). Қуйидаги жадвалда 2019 йил учун корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти боғлиқ харажатлар таркиби келтирилган.

**6-жадвал. “Андижон биокимё заводи” АЖнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ харажатлари таркиби**

Харажатлар таркиби	Ўлчов бир-ги	2019 йил	Чораклар бўйича			
			1	2	3	4
1.Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар	м.сўм	86412180	22846871	23841931	16102572	23620807
1.1 Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар (и/ч.га тўғри борадиган материал ва хом- ашё ҳамда энергия ресурс харажатлари)	м.сўм	70737186	18703881	19519549	13175466	19338290
1.2 Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	м.сўм	7558782	1996697	2082299	1416510	2063276
1.3 Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар	м.сўм	1889695	499174	520575	354127	515819
1.4 Эгри материаллар харажати	м.сўм	837318	221290	230858	156438	228732
1.5 Асосий воситалар ва и/ч аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси	м.сўм	5019760	1327614	1385754	933558	1372834
1.6 Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар	м.сўм	2259135	597388	623472	420600	617675

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, 2019 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи 86 412,2 млн. сўмни ташкил қилди. Шундан 70 737,2 млн. сўми материал харажатлар ташкил этади. (таннархни 81,8%) бунинг сабаби, ишлаб чиқаришнинг асосий хом ашёси бўлган бугдойни ва энергия ҳамда ёқилғи ресурслари нархини ҳар йили ошиб бориши ҳисобланади.

Харажатларнинг 7558,8 млн. сўми эса меҳнат харажатларига (таннархнинг 8,7%) тегишли. Эгри материаллар харажати – 837,2 млн. сўм (0,96 %), асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга номоддий активлар амортизацияси –

5019,8 млн сўм (5,8 %) ҳамда ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар – 2259,2 млн сўм ёки жами ишлаб чиқариш харажатларининг (2,6 %) ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таркибида материал харажатлар катталигини кўрсатади.

Корхонанинг асосий фаолият тури бўлиб озуқали этил спирти ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бунинг учун этил спиртини ишлаб чиқариш таннархига киритилган харажатларни қуйидаги 7-жадвалда кўришимиз мумкин.

Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини асосий фаолиятга нисбатан цехлар ҳолатида кўрадиган бўлсак, қуйидаги манзара намоён бўлади. Асосий фаолият харажатларига спирт ишлаб чиқаришга таълуқли бўлган харажатларни оламиз. Бунинг учун спирт ишлаб чиқариш цехи ва 11 та ёрдамчи цех ва участкалар харажатларини кўриб чиқамиз.

Жамиятнинг асосий хўжалик фаолияти спирт ишлаб чиқариш бўлгани учун харажатларни асосий қисми ҳам шу соҳага тўғри келади. Жумладан, спирт ишлаб чиқариш цехининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 2019 йилда 1550 минг дал спиртни ташкил этади ва ишлаб чиқариш қувватларини 86,1 фоизидан фойдаланилади. Бу цехда 124 та ишчи - хизматчи ишлайди. Харажатни асосий қисмини бугдой ва ферментлар ташкил этади. Жумладан, норматив бўйича, 1550 минг дал спирт ишлаб чиқариш учун 51150 тонна бугдой харажати кўзда тутилган. Унинг қиймати 103385,6 млн. сўмга тенг. Бугдойни қайта ишлаш учун фермент харажати 2919,5 млн. сўм. Цехнинг ўзини харажати:

- иш ҳақи ажратмаси билан: 7682,4 млн. сўм;
- асосий воситаларни эскириши: 4855,7 млн. сўм;
- материал ва таъмирлаш харажатлари: 2932,1 млн сўм.



## 7- жадвал. Озукали этил спирти ишлаб чиқариш таинархининг

## РЕЖАЛИ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ

№	Хом ашё ва материаллар номи	Ўл. бир	Бир бирликка			Жами ишлаб чиқаришга	
			Режа бўйича			Режа бўйича	
			миқ-ри	нархи	суммаси	миқ-ри	суммаси
1	Ишлаб чиқарилган маҳсулот	Т.дал				1550,0	
1	Тозаланган дон	тн	32,36	1 187 909	38 440 734	50158,00	59 583 137 616
2	Серная кислота	кг	28,48	579	16 495	44144,00	25 566 969
3	Формалин	кг	23,21	5 500	127 655	35975,50	197 865 250
4	Карбонид	кг	36,92	1 800	66 456	57226,00	103 006 800
5	Каустическая сода 98,8%	кг	2,95	9 500	28 025	4572,50	43 438 750
6	Перекис водород	кг	2,21	11 600	25 636	3425,50	39 735 800
7	Эмульсия ПГС	кг	0,0401	429 000	17 203	62,16	26 664 495
8	Бетасепт, Набак, Вектор	кг	0,074	1 300 000	96 200	114,70	149 110 000
9	Кимёвий тозаланган сув	м3	52,7	4 384	231 056	81685,00	358 136 447
10	Глюкаамилаза	кг	8,28	61 000	505 080	12834,00	782 874 000
11	Гемицеллюлоза	кг	0,56	185 000	103 600	868,00	160 580 000
12	Грибная альфа амилаза	кг	0,94	230 000	216 200	1457,00	335 110 000
13	Высокотемп. альфа амилаза	кг	3,98	135 000	537 300	6169,00	832 815 000
	Жами хом-ашё ва материаллар	сум			<b>40 411 639</b>		<b>62 638 041 126</b>
2	Чегириладиган чиқитлар	сум			-1 875 890		-2 907 629 438
3	Буг	Г кал	42,17	77 371,97	3 262 776	65363,50	5 057 302 761
4	Электроэнергия	м.квтч	2,636	207 288,74	546 413	4085,80	846 940 334
5	Сув	м.м3	1,378	978 861,47	1 348 871	2135,90	2 090 750 214
6	Асосий иш хақи	сум			2 136 924		3 312 232 890
7	Иш хақидан 25% ли ажратма	сум			534 231		828 058 222
8	И/ч тусидаги тўғри харажатлар	сум			1 658 888		2 571 276 783
9	И/ч тусидаги эгри харажатлар	сум			<b>6 307 607</b>		<b>9 776 791 164</b>
	Эскириш (амортизация)	сум			3 193 730		4 950 281 520
	Эгри материаллар харажатлари	сум			447 804		694 096 668
	Эгри иш хақи харажати	сум			2 105 244		3 263 127 999
	Иш хақидан 25% ли ажратма	сум			526 311		815 782 000
	Жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари	сум			34 518		53 502 978
	<b>Ишлаб чиқариш таннари</b>	сум			<b>54 331 461</b>		<b>84 213 764 056</b>

2019 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини қисқартириш бўйича жамиятимизда чора тадбирлаш ишлаб чиқарилган бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

- Ёқилги-энергетика ресурслари иқтисоди ҳисобига 105,7 млн сум;
- Технологик жараёнларни мақбуллаштириш ҳисобига 36,6 млн сум;
- Ишчи ходимлар сонини мақбуллаштириш ҳисобига 87,7 млн сум;
- Четдан кўрсатиладиган хизматларни мақбуллаштириш ҳисобига 44,5 млн сум;

2019 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини 284,5 млн сўмга пасайтириш режалаштирилмоқда.

Дори-дармон ишлаб чиқариш участкаси.

Режага кўра участка 2019 йилда 1920 минг флакон 70 % ли тиббиёт спирти ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш ҳажми чораклар бўйича қуйидагича тақсимланган бўлиб, 1-чоракда 480 минг дона, 2-чоракда 480 минг дона, 3-чоракда 480 минг дона, 4-чоракда 480 минг донага тўғри келади. Агарда маҳсулот ҳажмини натурал кўринишда олсак, 2019 йилда 96,0 минг литр 70 % ли тиббиёт спирти тайёрланади. Маҳсулот ҳажми қиймат нуқтаи - назаридан қараганда бир йилда 1324,8 млн сўмга тенг бўлиб, ҳар бир кварталда ўртача 331,2 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. (8-жадвал).

#### **8-жадвал. Дори-дармон ишлаб чиқариш участкасида 2019 йил учун режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажми**

Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот ҳажми				
		2019 й	1-чорак	2- чорак	3-чорак	4-чорак
70 % тиббиёт спирти	М.флакон	1920	480	480	480	480
70 % тиббиёт спирти	Литр	96000	24000	24000	24000	24000
Амалдаги нархда (м.сўм)		2019 й	1-чорак	2- чорак	3-чорак	4-чорак
70 % тиббиёт спирти (фл)	690	1324800	331200	331200	331200	331200

Корхонада ишлаб чиқариладиган 1 литр 70 % ли этил спиртининг таннархи 1 012 млн. сўмга тенг. Ушбу маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилган харажатларни қуйидаги 9-жадвалда кўришимиз мумкин.

Корхонада 70 % ли тиббиёт этил спиртини сотишдан тушган тушум бир йилда 1324,8 млн. сўмни ташкил қилган ҳолда, ишлаб чиқариш таннархи 1203,8 млн. сўм бўлади. Маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси 120,98 млн. сўм. Келгусида дори - дармон ишлаб чиқариш участкасида асосий эътибор меҳнат харажатларини 10% га қисқартириш ҳамда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш асосида таннархни пасайтиришга қаратилади.

**9-Жадвал. 70% 50 мл. флаконларда ТИББИЁТ СПИРТИ  
ишлаб чиқаришнинг РЕЖАЛИ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ**

50 мл. учун

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Бир бирлик учун			Жами учун	
			миқдори	нархи	сумма	Миқдори	Сумма (м.сўм)
	Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми:	литр				96000	
	Ишлаб ҳаражатлари						
1	Хом-ашё: Этил спирти	литр	0,791	7572,87	5990,14	75 936	575 053 456
2	Флаконлар копокли	дона	21	165	3465,00	2 016 000	332 640 000
3	Этикетка	дона	21	8,50	178,50	2 016 000	17 136 000
4	Дистирланган сув	литр	0,334	0,00	0,00	32 064	0
5	Ўров қоғози	кг			0,00	0	0
6	Коробка (360фл)	дона	0,056	3 500	196,00	5 376	18 816 000
7	Картон лист 53x28	дона	0,111	120	13,32	10 656	1 278 720
8	Клей (1 банка-850гр)	банка	0,002	15500	31,00	192	2 976 000
9	Скотч (рулон-100м)	рул.	0,001	12000	12,00	96	1 152 000
	<b>ЖАМИ:</b>	Сум					<b>949 052 176</b>
	Электроэнергия	т.квтч					
	Сув	л	0,01	750	7,50	960,00	720 000
	Асосий иш хақи	сум			1156,29		111 003 840
	Иш хақидан 25% ли ажратма	сум			289,07		27 750 960
	Прочие произ.прямые затраты	сум			206,75		19 848 000
	Накладные р-ды произ.назн.-всего	сум			994,23		95 445 840
	Эскириш (амортизация)	сум			141,53		13 586 880
	Эгри материаллар ҳаражатлари	сум			122,86		11 794 560
	Эгри иш хақи ҳаражати	сум			583,87		56 051 520
	Иш хақидан 25% ли ажратма	сум			145,97		14 012 880
	<b>Ишлаб чиқариш таннарни</b>	сум			<b>12539.8</b>		<b>1203820816</b>
	1 флакон учун	сум			626,9		
	Жамгарма (рентабеллик)	сум			63,1		
	Улгуржи нархи	сум			690		

**4-қисм. МОЛИЯВИЙ РЕЖА**

2019 йилда ишлаб чиқарилган махсулот ҳажми амалдаги нархларида (ҚҚС ва акциз солиғисиз) 111936,6 млн.сўмга тенг. Ишлаб чиқарилган махсулот таннарни 86412,2 млн.сўм ва сотишдан олинган ялпи фойда 25524,4 млн.сўмни ташкил қилади. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган фойда 5915,5 млн.сўм. Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар 486,9 млн.сўмга тенг. Умумхўжалик фаолияти фойдаси 5428,6 млн.сўм. Фойда солиғи 1130,6 млн.сўм. Соф фойда 4297,9 млн.сўмга тенглигини қуйидаги 10-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

### 10-жадвал. Корхонанинг 2019 йил молиявий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2019 йил
1	ҚҚС ва акциз билан ялпи тушум	минг сўм	148648778
2	ҚҚС ва акциз солиғисиз амалдаги улгуржа нархларда соф тушум	минг сўм	111936582
3	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари	минг сўм	86412180
4	Сотишдан олинган ялпи фойда	минг сўм	25524402
5	Сотув харажатлари	минг сўм	183519
6	Маъмурий харажатлар	минг сўм	2665683
7	Бошқа операцион харажатлар	минг сўм	16759731
8	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган фойда	минг сўм	5915469
9	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	минг сўм	486904
10	Умумхўжалик фаолияти фойдаси	минг сўм	5428564
11	Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда	минг сўм	5428564
12	Фойда солиғи	минг сўм	1130641
13	Соф фойда	минг сўм	4297924

Жамият томонидан 2019 йил учун ишлаб чиқилган бизнес режасида ҳам ишчи-ходимларни турмуш даражаларини ошириш, ижтимоий химоялаш масалаларига асосий эътибор қаратилган. Корхона ўз ишчи-ходимларини ижтимоий химоялаш ва байрам тадбирларини ўтказиш мақсадида чора-тадбирлар режалаштирилган.

### 11-жадвал. Жамиятда ижтимоий-иқтисодий химоялашга режалаштирилган харажатлар.

№	Тадбирлар номи	Ишчи ходимлар сони	Сарфланадиган маблағлар миқдори (режа)	Ижро этиш муддати
1.	Жамоа шартномасига асосан ишчи-ходимларга меҳнат таътилига чиқиш даврида бериладиган бир марталик моддий ёрдам	Корхонадаги барча ишчи ходимларга	Ойлик иш ҳақининг (оклад) 50 % миқдорида, 335000 м. сўм	Меҳнат таътилига чиқиш вақтида
2.	Оилавий шароити оғирлашганда келиб тушган аризаларга асосан бериладиган моддий ёрдамлар	80- нафар	20000 минг сўм	Йил давомида
3.	Яқин қариндошлари вафоти муносабати билан бериладиган моддий ёрдамлар	Келиб тушадиган аризага кўра	55000 минг сўм	Йил давомида
4.	Юбилей ёшга тўлганликлари муносабати билан ишчи ходимларни рағбатлантириш	38-нафар	44000 минг сўм	Йил давомида

5.	8-март Халқаро хотин-қизлар байрам муносабати ишловчи хотин-қизларни рағбатлан-тириш	164-нафар	70000 минг сўм	Март ойида
6.	21-март “Наврўз” байрами муносабати билан ишчи-ходимларни рағбатлантириш	544-нафар	179800,0 минг сўм	Март ойида
7.	21-март “Наврўз” байрами муносабати билан жамиятда ишлаб нафақага чиққан нафақахўрларга моддий ёрдам кўрсатиш	200-нафар	14000,0 минг сўм	Март ойида
8.	9-май “Хотира ва кадрлаш куни” байрами муносабати билан улуг ватан уруши катнашчилари ва байналминалчи жангчиларни рағбатлантириш	12-нафар	4860,0 минг сўм	Май ойида
9.	Ийд-Рамазон хайити байрами муносабати билан ишчи-ходимларни рағбатлантириш	544-нафар	179800,0 минг сўм	Июл ойида
10.	Мустакиллик куни байрами муносабати билан ишчи ходимларни рағбатлантириш	544- нафар	210000,0 минг сум	Август ойида
11.	“Мустакиллик куни” байрами муносабати билан жамиятда ишлаб нафақага чиққан нафақахўрларга моддий ёрдам кўрсатиш	200-нафар	14000,0 минг сўм	Сентябрь ойида
12.	Ийд-Қурбон хайити байрами муносабати билан ишчи-ходимларни рағбатлантириш	544-нафар	210000,0 минг сўм	Октябрь ойида
13.	“Янги йил” байрами тадбирини ўтказиш	700-нафар	50000,0 минг сўм	Март ойида
14.	“Янги йил” байрами муносабати билан ишчи-ходимларни рағбатлантириш	620-нафар	230000,0 минг сўм	Декабрь ойида
15.	“Янги йил” байрами муносабати билан ишчи ходимлар фарзандлари учун совғалар харид қилиш	700-нафар	70000,0 минг сўм	Декабрь ойида
16.	Йил якуни бўйича ишлаб чиқариш натижаларига мувофик ишчи-ходимларни бир лавозим маоши миқдориди рағбатлантириш	620-нафар	650850,0 минг сўм	Декабрь ойида
17.	Корхона фаол меҳнат қилаётган ишчи ходимларни Самарканд-Бухоро каби қадимий шаҳарларга саёхатлар уюштириш	20-нафар	20000,0 минг сўм	Баҳор-Ёз ойларида
18.	Ёз мавсумида ишчи ходимлар фарзандларини болалар оромгоҳида дам олдириш	50-нафар	20500,0 минг сўм	Ёз ойларида
19.	Ишчи ходимларни соғлиқларини тиклаш мақсадида даволаниш муассасаларига имтиёзли йўлланмалар олиш	50-нафар	31500,0 минг сўм	Йил давомида
20.	Қўзда тутилмаган бошқа харажатлар		30000,0 минг сўм	Йил давомида
	<b>ЖАМИ:</b>		<b>2544310.0 минг сўм</b>	

**"Андижон биокимё заводи" АЖ тасарруфидаги  
"Узум боғ" ёрдамчи хўжалиги.**

№	Харажатлар	Сумма, м.сўм
1	Узум қатор ораларига шпалерлар ўрнатиш	5100
2	Йўл четини темир сетка билан ўраш	12200
3	Электр энергия сарфи	36000
4	Узум қатор ораларига ишлов бериш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш	55000
5	Узум қатор орасига полиз экинлари экиш	18600
6	Дизел ёқилғиси сарфи	28000
7	Ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи, 25% билан	447863,1
	Жами:	602763,1

№	Даромадлар	Сумма, м.сўм
1	Узум қатор орасига экилган полиз экинларидан	90000
2	Етиштирилган узум хосилидан	29000
	Жами:	119000

«Узумзор» ёрдамчи хўжалигига қаршли 35,6 гектар ер майдонининг 20 гектарининг тупроғи шўр, яхоб сув бериш имконияти йўқ ер майдони бўлиб, бир неча маротаба экилган узум кўчатлари қуриб қолмоқда. Шу сабабли ушбу 20 гектар ер майдонига шўрга чидамли ёнғоқ экиб, боғ яратилди.

Узум қатор орасига экилган полиз экинларидан йил якунида 90 млн. сўм ва хосилга кирган 10 гектар узум майдонидан 30 тонна маҳсулот - 29 млн.сўм даромад олиниши кўзда тутилмоқда.

**Х У Л О С А.**

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятининг 2019 йилга мўлжалланган бизнес режасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни амалдаги ва таққослама нархлари, ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, ишчи – ходимлар сони, иш хақи жамғармаси, ўртача ойлик иш хақи, меҳнат унумдорлиги, рентабеллик даражаси, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархи, ялпи тушум, солиқ ва йиғимлар ҳамда соф фойда каби кўрсаткичлар 2018 йилдаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинган. 2019 йилда озуқали этил спирти ишлаб чиқариш ҳажми 1550 минг даллани ташкил этади. Бу ҳажмдаги озуқали этил спирти маҳсулоти ишлаб чиқаришни режалаштириш жараёнида барча объектив ва субъектив омиллар ҳисобга олинган.

**Бошқарув раиси:****Х.Юлдашев****Бош ҳисобчи:****М.Мамасолиев****РИБ бошлиғи:****Х.Шермаматов**

**Основные технико-экономические показатели  
по АО "Андижон биокимё заводи" на 2019 год**

№	Наименование	Един. изм.	Ожидаемый 2018 год	Прогноз на 2019 год	в том числе по кварталам			
					I	II	III	IV
	Объем продукции в оптовых ценах предприятий без НДС и акциза в сопоставимых ценах	тыс.сум	101 020 286	111 936 582	27 734 156	29 162 666	24 448 585	30 591 175
	в действующих ценах соответствующего года	тыс.сум	107 793 644	111 936 582	27 734 156	29 162 666	24 448 585	30 591 175
	Потребительские товары в отпускных ценах	тыс.сум	1 318 948	1 324 800	331 200	331 200	331 200	331 200
	Производство промышленной продукции в натуральном выражении:							
	Спирт этиловый	т.дал	1 545,0	1 550	384,0	404,0	338,0	424,0
	ЭАФ	дал	46 350	46 500	11 520	12 120	10 140	12 720
	Сивушные масла	дал	6 180	6 200	1 536	1 616	1 352	1 696
	Барда	т.м <sup>3</sup>	162,2	162,8	40,32	42,42	35,49	44,52
	Углекислый газ	тн	618,0	620,0	153,6	161,6	135,2	169,6
	Спирт медицин. 70%	т.фл	1 904	1 920	480	480	480	480
	Производственные мощности по производству- спирт этил	%	1 830	1 830	450	474	396	510
	Использование мощностей	%	84,4	84,7	85,3	85,2	85,4	83,1
				-				
	Списочная численность	чел	560	560	560	560	560	560
	Среднесписочная численность	чел	535	535	535	535	535	535
	Фонд заработной платы работников (включая совместителей)	тыс.сум	15 809 747	15 590 496	3 676 471	3 704 082	4 070 137	4 139 806
	Производительность труда	тыс.сум	201 483	209 227	51 840	54 510	45 698	57 180
	Среднемесячная заработная плата на одного работающего	тыс.сум	2 463	2 428	2 291	2 308	2 536	2 579
	Выручка от реализации продукции	тыс.сум	143 393 644	148 648 778	36 829 263	38 731 730	32 453 588	40 634 198
	Акциз	тыс.сум	11 779 760	12 158 200	3 012 096	3 168 976	2 651 272	3 325 856
	Налог на добавленную стоимость	тыс.сум	24 018 728	24 553 996	6 083 010	6 400 088	5 353 731	6 717 166
	Чистая выручка от реализации	тыс.сум	107 595 156	111 936 582	27 734 156	29 162 666	24 448 585	30 591 175
	Производственная себестоимость реализованной продукции	тыс.сум	86 365 893	86 412 180	21 409 561	22 515 184	18 866 629	23 620 807
				-				
	Валовой финансовый результат от реализации	тыс.сум	21 229 263	25 524 402	6 324 595	6 647 482	5 581 956	6 970 369



Расходы периода - всего:	тыс.сум	18 811 095	19 608 934	4 994 397	5 207 993	4 302 540	5 104 005	
Расходы на реализацию	тыс.сум	182 996	183 519	45 943	45 831	45 783	45 963	
Административные расходы	тыс.сум	2 608 757	2 665 683	665 171	672 313	648 743	679 456	
Прочие операционные расходы	тыс.сум	16 019 342	16 759 731	4 283 283	4 489 849	3 608 014	4 378 586	
в.т.ч: - спонсорская помощь	тыс.сум	1 185 319	500 000	125 000	125 000	125 000	125 000	
Прочая прибыль от осн.деят.	тыс.сум	2 913 894						
Финансовый результат (прибыль) от основной производственной деятельности	тыс.сум	5 332 062	5 915 469	1 330 199	1 439 489	1 279 416	1 866 364	
Дивиденды, полученные от дочерних и ассоциированных предприятий	тыс.сум							
Прочие проценты полученные	тыс.сум	36 509						
Доходы от валютных курсовых разниц	тыс.сум	317 006						
Расходы виде процентов	тыс.сум	605 840	486 904	135 000	158 943	99 000	93 962	
Проценты по лизингу	тыс.сум							
Убытки от курсовых разниц	тыс.сум	320 639	-	-	-	-	-	
Финансовый результат (прибыль) от общехозяйственной деятельности	тыс.сум	4 759 098	5 428 564	1 195 199	1 280 547	1 180 416	1 772 402	
Общий финансовый результат (прибыль или убыток) до уплаты налога на прибыль	тыс.сум	4 759 098	5 428 564	1 195 199	1 280 547	1 180 416	1 772 402	
Налог на прибыль	тыс.сум	1 132 778	1 130 641	252 276	268 024	257 028	353 312	
Чистая прибыль	тыс.сум	3 626 320	4 297 924	942 923	1 012 522	923 388	1 419 090	

Председатель правления:

Главный бухгалтер:

Начальник ПЭО:



Х.Юлдашев

М.Мамасолиев

Х.Шерматов

**Основные финансово-экономические показатели и темпы экономического роста на 2019 год**

№	Показатели	Ед.имз.	2017г. (факт)	2018г. (ожидаемый)	Темп роста к 2017г., %	Прогноз на 2019г.	Темп роста к 2018г., %
1	Объем товарной продукции	млн.сум	78 739,6	107 793,6	136,9	111 936,9	103,8
2	Объем товаров народного потребления	млн.сум	1 007,7	1 318,9	130,9	1 324,8	100,4
3	Основная номенклатура:						
	Спирт этиловый	т.дал	1 532,3	1 545,0	100,8	1 550,0	100,3
4	Объем экспорта	тыс.долл.	-	-		-	
5	Чистая прибыль	млн.сум	3 151,5	3 626,3	115,1	4 297,9	118,5
6	Численность	чел	587	560	95,4	560	100,0

**Председатель правления:**

**Х.Юлдашев**

**Главный бухгалтер:**

**М.Мамасолиев**

**Начальник ПЭО:**

**Х.Шерматов**